

“Тасдиқлайман”

“Қашқадарё сув таъминоти”

МЧЖ бош муҳандиси

“ 5 ” 11 : Т.Якубов.
2022 йил.

ИЧИМЛИК ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИ

ТЕХНИК ШАРТ № 244

Буюртмачи: Сув таъминоти ва окова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси.

Иншоотнинг номи: Касби туман “Тинчлик” маҳалласида ичимлик сув тармоқлари қурилиши.

Манзили: Касби туман “Тинчлик” маҳалласи.

I. ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҒИГА УЛАНИШ БУЙИЧА.

1. Ичимлик сув тармоғига уланадиган жой: Маҳалла ҳудудидан ўтган мавжуд ичимлик сув қувуридан улансин. Кучалар бўйлаб ичимлик сув тармоқлари тортиш лойиҳада аниқлансин.

2. Уланадиган ичимлик сув қувури диаметри: Гидравлик ҳисоб-китобга кўра аниқлансин.

3. Истеъмолчи ичимлик сув тармоғига уланган нуктага кузатув қудуғи қурилсин ва зулфин (задвижка) ўрнатилсин.

4. Уланиш нуктасига замонавий сув ўлчаш асбоби ўрнатилсин (уланган нуктага ва ҳар бир хонадонга).

II. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

1. Лойиҳалаштирилаётган ичимлик сув тармоғи чуқурлиги ва ўрни топотасвир ёрдамида аниқлансин, тармоқ чуқурлиги ва ўрнини белгилашда мавжуд ичимлик сув тармоқларининг жойлашуви ва чуқурликлари инобатга олинсин.

2. Ажратилган ер майдонида қурилиш даврида ёнидан ўтувчи ичимлик қувурларини муҳофаза зонасини сақлаш шарт.

3. Техник шарт лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш учун берилди.

4. Ичимлик сув қувури тармоғининг тайёрланган дастлабки ЛСХ “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ билан келишилсин.

5. Техник шартнинг амал қилиш муддати берилган кундан бошлаб икки йил.

Асос: “Сув таъминоти ва окова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Қашқадарё вилояти филиалининг 25.10.2022 йилдаги №782-сонли хати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 апрелдаги №408-сонли қарори, Касби туман сув таъминоти филиалининг 01.11.2022 йилдаги №205-сонли техник ҳулосаси.

ИЧТБ бошлиғи



К.Қўйбоқоров